

## Мангулик мезони

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан 2018 йил 28 январь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Гидромелиорация” факультети декан фармойишига биноан “Ирригация ва мелиорация” кафедраси томонидан 4-сонли талабалар турар жойида “Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти” мавзусига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир масъуллари доцент Шавкат Ботиров, Александр Долидудко, Дилбар Абдураимова, стажёр ўқитувчи Махбуба Хайитова, стажёр ўқитувчи Шохрух Азизов ҳамда тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротовлар томонидан ушбу тадбирда Биринчи президентимиз Ислом Каримов ҳаёти, сиёсий фаолияти ва бошқарув маҳорати ҳақида маълумотлар берилди .

Тадбирда талабалар ўзлари қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.



**4-ТТЖ тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**